

1- маъруза. Автоматик бошқариш тизимларининг умумий таснифи

Режа

- 1. Умумий тушунча. Автоматик бошқариш ва ростлаш масалалари.**
- 2. Автоматик бошқариш тизимининг функционал структураси.**
- 3. Автоматик бошқариш тизимларини туркумларга ажратиш.**

Автоматик бошқариш тизимларининг таснифи

Автоматик бошқариш тизимларини таснифлашнинг асосий белгилари бўлиб қуидагилар хизмат қиласди: бошқаришнинг мақсади; бошқариладиган жараён ёки тизим ҳақидаги ахборотнинг хусусияти; бошқариш услуги; сигналларни шакллантириш принципи; чиқиш координаталарини кириш координаталарига боғлиқлик хусусияти.

Бошқариш мақсади бўйича АБТ икки туркумдан:

координаталарни берилган қонунга мос олишга ва жараённинг сифат кўрсаткичларини оптимал қийматини олишга мўлжалланган тизимлардан иборатdir.

Координаталар ўзгаришини берилган қонунга мос олишга мўлжалланган тизимларга энг содда бошқарув тизимлари: очик ва автоматик ростлаш тизимлари (АРТ) киради.

Автоматик ростлаш тизимлари автоматик мўътадилловчи ва қайта (макрор) тикловчи тизимларга бўлниди. Автоматик ростлаш тизимлари объектни ростланувчи и координатасини ўзгартирмасдан сақламоққа мўлжалланган бўлиб, бунда топшириқ x_0 таъсир ҳам ўзгармасдан қолади.

Мисол сиғатида, мотор тезлигини автоматик сақлаб туришга мүлжалланган тизимни күрсатиш мүмкин. Автоматик стабиллаш тизимлари ишлаб чиқарып ускуналарида ҳар хил қийматларни: кучланиш, ток, қувват, тезлик, тезланиш, босим, ҳарорат, берилған йұналиш, ёруғлик, ҳар хил нисбатлар ва пропорцияларни үзгармаслигини сақлаб туриш үчүн көңг ишлатилади.


Қайта тиклаш тизимлари чиқыш координатасини маълум үзгариш қонунига биноан қайтаришга (ишлаб беришге) мүлжалланган. Улар электрмеханик тизимларга нисбатан тадбиқ этилиб, қуидагиларга: *кузатувчи* (таклидчи), *дастурлы* ва *ишга тушириш*, *реверслаш*, ҳамда *тұхтатиш* (тормозлаш) бүйича ишлайдиганларга бўлинади.



Кузатувчи тизимларни баҳолайдиган нарса – бу чиқиш координатасининг ўзгариш қонуни вақтнинг тасодифий функцияси бўлишидир

Кузатувчи тизимга мисол сифатида кузатувчи электр юритмани (2-расм) кўрсатиш мумкин. Унда юритма маълум аниқлик билан топшириқ белгилайдиган орган ҳаракатини такрорлайди. Бунда тизим ишчи органи топшириқ ва ҳақиқий ҳолати орасидаги аниқланган фарқ туфайли (оғиш бўйича ростлаш) силжиб, топшириқни ҳаракат кўринишида қайтаради.

Кузатувчи тизим потенциометрик П1-П2 ўлчагич қурилма, (ЭМК) электр машина кучайтиргичи, қўзғатиш чулғам ДКЧ эга ўзгармас ток мотори Д ва ишчи механизми ИМ дан иборатdir.




Дастлаб P_1 ва P_2 потенциометрлар ҳаракатсиз ва уларни сирғалгичларини бурчак фарқи (хатоси) йўқ деб ҳисоблаймиз. P_1 потенциометри бурганда уни сирғалгичи чиқиш потенциометри P_2 бурчагидан фарқли бурчакка бурилади.

Натижада ҳосил бўладиган бурчак фарқининг (хатоси) $\delta = \varphi_K - \varphi_C$ туфайли 01 ва 02 нуқталар орасида $U\delta$ потенциаллар айирмаси пайдо булади. Бу $U\delta$ ана шу δ бурчакка пропорционал бўлиб, у электр машина кучайтиргичи (ЭМК) бошқарув чулғамига БЧ берилади. ЭМК чиқиш қисқичларида пропорционал бўлган ЭЮК ҳосил бўлади ва M мотор айланиб P_2 сирғалгичини δ га камайтиришга қараб буради. Бурчак $\delta = 0$, яъни $\varphi_K = \varphi_C$ бўлганда, мотор тўхтайди. Демак мотор (айланиб) механизмни берилган бурчакка силжитади.

Дастурли бошқариладиган тизимлар ростланадиган координатани олдиндан үрнатылған маълум дастур деб аталувчи қонунга биноан вакт бўйича ўзгартиришга мўлжалланган.

Бу ҳолда топшириқ таъсири вақтга боғлиқ қийматдир: $Uy=f(t)$. Бунга мисол сифатида тоблаш пеchi температурасини ростлаш тизимини (3-расм) кўрсатиш мумкин.



Бу UT кучланиш Π потенциометрдан олинади, сиргалгични эса дастур қурилмаси ΠK дастурда ёзилган қонунга биноан силжитади. Π ҳаракати туфайли $UT-ET$ номувофиқлик кучланиш K кучайтиргич билан кучайтирилиб M мотор якорига берилади. Мотор вали эса печни ишчи бўшлигига жойлашган қиздирувчи RK қаршилик занжиридаги R реостат билан боғланган. Мотор айлана бошлаганда R реостатнинг сирғалгичи номувофиқликни камайтиришга қараб силжийди, бунда печ занжиридаги қаршилик ортади ёки камайтирилади.

Бу қаршилик ёрдамида занжирдаги ток ва печнинг ҳарорати ростланади.

Дастурли бошқариладиган тизимлар шунингдек дастур асосида турли соҳалардаги ҳар хил механизмлар силжиши учун ҳам қўлланилади.



Унда печни ўлчанадиган 00 температура T термопара берадиган пропорционал ЭЮК айлантирилиб топширик UT кучланиш билан солиштирилади

АБТ бошқарув сигналлари шакллари бўйича узлуксиз ва дискретга бўлинади.

Узлуксиз бошқариладиган тизимда бошқарувчи сигнал вақт бўйича узлуксиз функцияни ташкил этади ва бунга мисол қилиб 1.3-расмда келтирилган АРТ ни кўрсатиш мумкин.

Дискрет бошқариладиган тизимлар бошқарув сигналида узилиш ва сакрашлар борлиги билан баҳоланади. Бу тизимлар яна релели, импульсли (турткили) ва рақамли гурухларга бўлинади.

Релели АБТ да бошқарувчи таъсир релели элементлар ёрдамида шаклланади. Релели элемент киришига узлуксиз таъсир берилганда, у маълум бўсаға қийматига етганда унинг чиқишидаги бошқарув таъсир сакрашсимон кўпаяди. Мисол сифатида 4-расмда релели ҳаракатли АРТ келтирилган. У ваннадаги эритма температурасини спиралдан оқадиган ток билан қиздириб берилган даражада сақлашга хизмат қиласди. Релели элемент сифатида Т-термометр қўлланилган бўлиб, температура берилган қийматга етганда уни симобли контактлари устуни билан уланади. Суюқлик қиздиришининг бошланғич даврида спиралга таъминот келадиган кучли ток контактлари уланган, термометр контактлари эса узилган бўлади. Температура берилган қийматга кўтарилилганда термометр контактлари бирлашиб Э-электромагнит чулғамни тармоқقا улайди. Ишга тушган электромагнит ўз якори билан механик боғланган кучли контактлари орқали бош ток занжирини узади. Спирал занжирининг узилиши туфайли мухит совийди, термометр контактлари ажралиб электромагнит узилади, хамда П пуржина ҳаракати туфайли бош контактлари ёрдамида уланади



4-расм. Реле ҳаракатли АРТ:


а) принципал схемаси;

б) релели элемент характеристикаси

АБТ ростлаш принципиға қараб *статик* ва *астатик* гурұхларга бўлинади.

Ростланадиган координата ўрнатилган ҳолатда қолдиқ оғишга эга тизим статик АБТ бўлиб, уни миқдори юкламага боғлиқ бўлади ва шу қиймат тизимни аниқлик даражасини ҳам белгилайди.

Статик характеристика – ростланадиган координатанинг юкламага боғлиқлиги бўлиб, у берилган топшириқ таъсирнинг ўзгармас қийматида олинади.



Статик тизимга мисол сифатида Г генератор

кучланишини ростлайдиган (5-расм) схемани олсак бўлади.
Унда генератор юклама R_{lo} резисторга уланган, уни
қўзғатиш ГКЧ чулғами ЭМК дан таъминот олади.